



ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Лола Зайниевна Насриева

Бухоро давлат тиббиёт институти декан ўринбосари

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7828210>

ARTICLE INFO

Received: 05th April 2023

Accepted: 13th April 2023

Online: 14th April 2023

KEY WORDS

Маънавият, таълим, шарқ
мутафаккирлари,
глобаллашув.

ABSTRACT

Мақолада Шарқ мутафаккирлари маънавий меросида таълим масалалари таҳлил қилинган. “Глобаллашув”, “ахборот” тушунчасининг фалсафий моҳияти очиб берилган. Маънавиятнинг инсон ҳаётидаги ўрни тадқиқ қилинган.

Ҳозирги кун шароити ёшлар дунёқарашини янги сифат ва маънавий етуклик даражасига кўтариш омилларига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда. ХХI аср бошларига келиб дунё мамлакатлари ўртасидаги таъсир шу қадар кучайиб кетдики, бу жараёндан чегараланиб олган биронта давлат йўқ.

“Глобаллашув даврига келиб, - деб ёзади тадқиқотчи Б.Умаров, - тараққиёт борасида ўзгача қараш – воқеа ҳодисаларни макон ва замондан ажратмаган ҳолда, синхрон тарзда талқин этиш тамойили кўзга ташлана бошлади... Назарий жиҳатдан қараганда, тарихий тараққиёт хусусиятларидан қатъий назар, халқаро меҳнат тақсимооти тизимига уйғунлашиб бораётган, хорижий сармояларни ўз иқтисодиётига изчил жалб этаётган ҳамда замонавий технологиялар сари интилаётган ҳар қандай мамлакат учун глобаллашув жараёнлари туфайли вужудга келган иқтисодий афзалликлардан фойдаланиш имконияти туғилди” [1].

Маълумки, ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин. Глобаллашув туфайли бутун инсоният яратилаётган жаҳон илм-фан ютуқларидан баҳраманд бўлмоқда, маданиятлар ва цивилизациялар алмашинуви жадаллашмоқда. Лекин шу билан биргаликда, мафкуравий тажовуз ва ахборот хавфсизлиги ҳам кучайиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрича, дунё 80% ахборотни Лондон, Париж, Нью-Йоркдан олади. “Ахборотнинг бундай мўл-кўллиги инсониятнинг руҳий-маънавий тажрибасига, ўзлигига путур етказяпти. Ахборот кўпайгани сайин унинг мазмуни йўқолиб, том маънода “вирус”га айланиб боряпти” [2]. Таъкидлаш жоизки, биз яшаётган давр қандай хусусиятларга эга? Сўнгги вақтларда жаҳонда юз берган, дунёнинг жуғрофий-сиёсий тузилишини ва характерини тубдан янгиллаган ўзгаришлар



ҳозирги замон ва келажак учун қандай тарихий аҳамиятга молик? Булар ҳақида мулоҳаза юритиш ва уларга тўғри баҳо бериш жуда муҳим.

Бугунги кунда бизнинг жамиятимизда шахс маънавий хавфсизлигини таъминлаш масаласи тобора муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этиб бормоқда. Жамиятимиз аъзоларининг миллий онгига таъсир қилиш, миллий урф-одатларимизга, маданиятимизга нисбатан бўлаётган хуружлар вайронкор сиёсий кучларга қўл келмоқда.

“Оммавий маданият”нинг кенг тарқалиши, “енгил” ҳаёт тарзини тарғибот қилишга уринишларнинг кундан кунга кучайиб бораётганлиги ҳам жамиятда миллий маънавий қадриятларга путур етказишга қаратилган хатти-ҳаракатдир. Файласуф Ю.А.Шрейдер таъкидлаганидек: “Бизга хавф солаётган ҳалокатлардан энг даҳшатлиси, бу атом, иссиқлик ва шунга ўхшайдиган Ерга инсониятни жисмонан йўқ қилиб ташлашга қодир бўлган вариантлар эмас, балки антропологик вариант, яъни одамдаги одамийлик, инсонийликнинг йўқ қилинишидир” [3]. “Оммавий маданият” дунёда қўплаб кишиларнинг “мавҳум дунё”га онгсиз равишда кириб қолишига сабаб бўлмоқда. Олимларнинг эътирофича, ҳозирги кунда ер юзи аҳолисининг 11 фоизи виртуал дунёга кириб бўлган. Бошқача айтганда, улар ИНТЕРНЕТ қарамлигига дучор бўлишган.

Девиантлик “меъёр”ларининг тез тарқалиб бораётганлиги жамиятда жиноятчилик, зўравонлик, наркомания, одам савдоси каби иллатларнинг кучайишига олиб келмоқда. Маълумки, жамиятда инсонлараро муносабатларни ижтимоий меъёрлар тартибга солиб туради. Айнан ана шу ижтимоий меъёрлар шахсга маълум ҳаётий жараёнларда ўзини қандай тутиш лозимлигини кўрсатиб боради. Бироқ, шундай шахслар борки, уларни жамиятда жорий этилган меъёрлар қониқтирмайди. Натижада улар ушбу меъёрлардан четга чиқиш хатти-ҳаракатини амалга оширадilar. Жиноятчилик, ичкиликбозлик, фоҳишабозлик, ўз жонига қасд қилиш каби иллатларнинг тарқалишига сабаб бўладilar [11-15].

Ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шarti ва гарови деб билган. Тарихий тараққиётимизга назар ташласак, буюк мутафаккир аждодларимизнинг маънавий баркамол инсонни тарбиялаш масалалари акс этган бир қанча концептуал қарашларни идрок этиш мумкин. Ҳадисшунос олим Имом Бухорий уқтириб ўтганларидек, “Боланинг табиати ривожланишга мойил бўлади, уни қандай ғоялар билан тўлдириш ота-она ва устозга боғлиқ” [4]. Юсуф Хос Ҳожиб “Камолотга етиш йўли иккита: билим олиш ва ибрат ўрганиш” [5] эканини таъкидлаб ўтади. Ҳақиқатан ҳам, тарбияли инсон ўзгаларнинг ижобий хислатларидан ибрат олишга қодир бўлади, салбий хислатларидан эса сабоқ чиқара билади. Рудакий “Билим – барча кулфатлар учун қалқон” [6] деб бежиз айтмаган.

Хусайн Воиз Кошифий Ўрта Осиё ва Хуросоннинг машҳур ахлоқшунос мутафаккиридир. Кошифий ўзининг “Футувватномаи Султоний ёҳуд жавонмардлик тариқати” асарида футувват илмининг моҳияти, унинг мавзуи, келиб чиқиши, пиру муридлик, шайхлик ва шогирдлик муносабатлари, сўфийлар ва футувват ахлига қўйиладиган талаблар, фирқа шартлари, улар киядиган либослари, бош кийимлар



хулқ-одоби ҳақидаги фикрлар батафсил баён қилинади [7]. Кошифий футувват илми тўғрисида сўз юритар экан, тасаввуф ва тавҳид илмининг бир бўлаги сифатида таърифлайди ва унинг асосий мавзуси инсон руҳини тарбиялаш деб билади“. Зеро инсоннинг руҳини фазилатли қилиб етиштириш мумкин” [8], дейди мутафаккир. Алломанинг фикрича, футувват тариқатига мансуб инсон яхши ахлоқли, жавонмардшижоатли, саҳоватли, халқ ғамини ўйлайдиган, инсонпарвар, хушфеъл, камтар, хокисор, хушфеъл бўлмоғи зарур дейилади.

Ёшлар таълим-тарбиясида кекса авлод вакиллариининг ўғитлари жуда катта ўрин тутати. Бундай ўғитлар ҳаётини тажрибалар асосида йиғилган бўлиб, бой маънавий озуқа ҳам ҳисобланади. Ота – боболаримиз, онахонларимизнинг эзгулик йўлидаги қолдирган ҳар бир ўғитларини, ҳикматли сўзларини чуқур англашимиз ва фаҳмлашимиз даркор [16-20]. Ёши улуғ кексаларимизнинг берган насиҳатлари, юксак инсоний фазилатларини, етук маънавий – ахлоқий оламини, эзгу ниятда қилган дуоларини улуғлашимиз, ўрганишимиз лозим. Бундай хусусиятлар ёшлар учун ибрат бўла олади. Хусрав Деҳлавий таъкидлаганидек:

Ёш ҳар қанча ишда бўлсин ибратли,

Кўп кўрган кексанинг иши ибратли.

2023 йилнинг юртимизда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб аталиши бежиз эмас, албатта. Табаррук ёшдаги отахон ва онахонлар сиймосида иймон, сабр, савоб, раҳмдиллик, улуғворлик, саҳоват, вазминлик, мўътадиллик, масъулиятлилик каби тушунчалар гавдаланади ва бу ёшларда ибрат бўла олади.

Ҳозирги давр талабларидан яна бири, ёшларимизни сергак, огоҳ, ҳар қандай хатарларга қарши ҳушёр бўлиб яшашга ўргатиш лозим. Чунки “ҳаётга кириб келаётган ёшлар ўз мустақил фикрига, тафаккур маданиятига эга бўлмаса, душман ғояларининг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона таъсирига, тазйиқларига бардош бериши мушкул” [9].

Ёшлар маънавий олами дахлсизлигини сақлашда ижтимоий билимлар асосий ўрин эгаллайди. Шундай экан, таълим тизимида ижтимоий гуманитар фанларнинг ўқитилишига эътиборни кучайтириш лозим. Чунки, “ижтимоий-гуманитар фанлар маънавият ва маърифатнинг манбаи, озиқасидир” [10]. Ҳақиқатан ҳам, маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир. Авваламбор, ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асраш барчамиз учун асосий вазифа бўлиб қолмоғи даркор. Чунки биз бутун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз [21-28].

Хулоса қилиб айтганда, миллий тараққиётимизнинг келажак ривожини бевоқиф бугунги ёшларимизда таълим ва тарбия асосида шаклландирган тафаккур даражалари билан бевоқиф боғлиқдир.

References:

- 1.Б.Умаров “Глобаллашув зиддиятлари” –Т.: Маънавият, 2006. –Б.7
- 2.Аргументы и Факты, 2004 год, №7



- 3.Шрейдер Ю.А. Утопия или устроительство //Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности. –М.:1990. –С.25
- 4.Имом Бухорий. Ал-адаб ал-Муфрат. –Т.: Мовароуннахр, 2005. –Б.16
- 5.Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Т.:Фан, 1971. –Б.103
- 6.Куч билим ва тафаккурда. Т.:Ма`rifat-Madadkor, 2003. –Б.177
- 7.Х.Алиқулов, Р.Носиров, М.Қодиров, Р.Омонбоева, А.Ашуров. Тасаввуф таълимоти ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни. Ўқув қўлланма. Андижон. 2005й.36–б.
- 8.Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати.–Т.,1994–й. 7–б.
- 9.Қаҳҳоров М., Акбаров Қ. Тафаккур маданияти ва мустақил фикрловчи эркин шахс тарбияси //Фалсафа ва ҳуқуқ. 2005. №2. 47-б.
- 10.Ҳошимов Н. Ёшлар маънавий тарбияси ва сиёсий маданият //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари 2009. №3. 14-б.
- 11.Пардаева, М. Д. (2021). ЎТМИШИ ШАРАФЛИ, КЕЛАЖАГИ БУЮК ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИДА ҲАЗРАТ АЛИШЕР НАВОЙИ ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎРНИ. ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ, 4(3).
- 12.Pardaeva, M. D. (2020). THE ROLE OF THE JADID'S THINKING VIEWS IN THE FIGHT AGAINST ENLIGHTENMENT AGAINST IGNORANCE. Ўтмишга назар журнали, 10(3).
- 13.Пардаева, М. Д., Узбекистан, Р., & Голди-Скотт, М. Р. (2020). Реформа школьного образования в Узбекистане: переосмысление методики обучения и оценки. ISBN 978-5-9929-0917-3© ОГУ имени ИС Тургенева, 2020© МОО «Академия информатизации образования», 2020© Коллектив авторов, 2020, 25.
- 14.Pardayeva, M. D. (2020). "LAZERLAR VA ULARNING TURLARI" MAVZUSINI INNOVATSION USULLARDA O'QITISHNING AFZALLIKLARI. In Молодой исследователь: вызовы и перспективы (pp. 722-724).
- 15.Пардаева, М. Д. (2018). Использование средств народной педагогики в воспитании толерантности у молодежи. Проблемы педагогики, (6 (38)).
- 16.Pulatovna, K. K. (2022). Factors of Social Political Activity. International Journal of Formal Education, 1(9), 24-28.
- 17.Кенжаева, Х. П. ШАРҚ ФАЛСАФАСИДА «ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ» МАСАЛАСИ. УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА, 76.
- 18.Хуршида Кенжаева (2022). ИЖТИМОЙ ФАОЛИЯТ ИНСОН ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ОМИЛИ. Scientific progress, 3 (1) 862-867
- 19.Кенжаева, Х. П. (2021). Сиёсий-Ҳуқуқий Маданиятни Ошириш Омиллари. Ижтимоий Фанларда Инновация онлайн илмий журнали, 1(6), 94-97.
- 20.Кенжаева, Х. П. (2021). Сиёсий Тизимни Ислоҳ Қилиш Омиллари. Таълим ва Ривожланиш Таҳлили онлайн илмий журнали, 1(6), 199-202.
- 21.Кенжаева, Х. (2021). Миллий маънавий меросимизда таълим-тарбия масалалари. Общество и инновации, 2(6/S), 18-24.
- 22.Кенжаева Х. П. ФУҚАРОЛИК МАДАНИЯТИ МЕЗОНЛАРИ ШАРҚ ФАЛСАФАСИ ТАЛҚИНИДА //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 3.



23. Kenjaeva, X. P., Tojiev, F. I., & Juraev, B. N. (2014). ROLE OF WOMEN IN CREATION AND DEVELOPMENT OF DEMOCRATIC SOCIETY IN UZBEKISTAN. *Innovations in technologies and education*, 119-123.
24. Кенжаева, Х. П., & Каримова, Л. М. (2019). ТАРИХИЙ ХОТИРА-ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ. ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ, 1(3).
25. Кенжаева, Х. П. (2021). Аёллар ижтимоий фаоллигини оширишда фуқаролик институтларининг ўрни. *Scientific progress*, 1(6), 957-961.
26. Pulatovna, K. K. . (2022). Technologies and Conditions for the Implementation of Innovative Processes. *Spanish Journal of Innovation and Integrity*, 5, 610-615.
27. Pulatovna, K. K. (2022). Main Directions for Reforming the Educational System in the Republic of Uzbekistan. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 6, 276-281.
28. Кенжаева, Х. П. (2022). ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ.